

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.91.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХРОРОВ АЛИШЕР АКБАРОВИЧ

**ИУТҚ МАДАНИЯТИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЎЗБЕК ХАЛҚ
МАҚОЛЛАРИНИНГ ЛИНГВО-ФУНКЦИОНАЛ ВА ХУЛҚИЙ
ҚИЙМАТИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
in Philology sciences**

Ахроров Алишер Акбарович

Нутқ маданиятини ифодаловчи ўзбек халқ мақолларининг лингво-
функционал ва хулқий қиймати.....3

Ахроров Алишер Акбарович

Лингво-функциональная и нравственная ценность узбекских народных
поговорок выражающих культуру речи..... 23

Akhrorov Alisher Akbarovich

Linguo-functional and Moral Value of Uzbek Folk Proverbs Expressing the
Speech Culture..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.91.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АХРОРОВ АЛИШЕР АКБАРОВИЧ

**ИУТҚ МАДАНИЯТИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЎЗБЕК ХАЛҚ
МАҚОЛЛАРИНИНГ ЛИНГВО-ФУНКЦИОНАЛ ВА ХУЛҚИЙ
ҚИЙМАТИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Фи682 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.guldu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Тожиёв Ёрмат

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Менглиев Бахтиёр Ражабович

филология фанлари доктори, профессор

Исламов Ўткуржон Ҳосилжонович

филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.91.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «26» 07 кунини соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе, Тел.: (67) 225-42-75; факс: (67) 225-40-42; e-mail: glsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Гулистон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 120100, Гулистон ш., 4-мавзе, Тел.: (67) 225-42-75).

Диссертация автореферати 2021 йил «14» 07 кунини тарқатилди.
(2021 йил «14» 07 даги 2 - рақамли реестр баённомаси)



Н.А.Раҳмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

М.Р.Маматқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари номзоди, доцент

А.Э.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида лисон ва нутқ, тилда халқ тасаввурлари ва дунёқарашининг акс этиши масалалари замонавий тилшуносликнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Шу боисдан кўплаб лингвистик изланишларнинг манбаи сифатида тилнинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий функцияси, тил ва маданият муштараклиги, тил бирликларининг лингво-функционал ва хулқий қиймати, лисоний имкониятларнинг нутқ жараёнида намоён бўлиши, нутқ, мулоқот самарадорлигини таъминлаш омилларини аниқлаш, маданий нутқ шаклланишида ижтимоий, ахлоқий, дидактик ходисаларнинг ўрни ва вазифаси сингари масалаларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида тил ва маданият, тил ва маънавият, тил ва мулоқот муносабатига эътибор кучайганлиги уларни ўзида яққол акс эттирувчи лингвомаданий мақоллар бўйича амалга оширилган илмий изланишлар тилнинг миллий маданият ва маънавиятни ўз бирликларида сақлаш ҳамда намоён қилиш имкониятини очиб беришга қаратилмоқда. Жумладан, “маданий нутқ” семасига эга халқ мақолларининг ахлоқий қиймати ва тағмаъно ифодалаш вазифаси мулоқот тизимидаги ўрни, вазифавий, лисоний билим ва нутқ вазиятига оид ҳамда маданий жиҳатлари устида тадқиқот олиб бориш каби илмий масалаларга муносиб ечим топишни тақозо қилади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда асосий эътибор маданий, маънавий меросни тиклашга, кадриятларни асрашга, мустақиллик мафкурасини халқимиз онгига сингдиришга қаратилганлиги боис бугун кенг кўламли ислохотлар жараёнида ўзбек тилининг ўрни ва нуфузи тобора ортиб бормоқда. “Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий кадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши”¹ бу борадаги илмий изланишлар кўламини янада кенгайтиришга асос бўлмоқда. Шунга кўра, халқ мақоллари мазмунида муомала одоби доирасидаги масалалар талқини, нутқ актидаги ўрни, уларда тағмаъно, пресуппозициянинг ифодаланиши, лингвопрагматик, лингвокультурологик хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // <http://lex.uz/docs/4561730>

“Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ҳамда 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорларида ва мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида мақолларнинг ўрганилишига доир кўплаб тадқиқот амалга оширилган². Шу билан бирга, нутқ маданияти, нотиклик санъати каби масалалар бўйича рус тилшунослигида “Основы культуры речи”, “Актуальные вопросы культуры речи”, “Культура речи” номлари билан Л.И.Скворцов, Б.Н.Головин, В.П.Петушков, А.Бахмутов, С.И.Ожегов кабиларнинг изланишларини қайд этиш мумкин³. Уларда тил ва маданият муносабати ҳам муҳим ўрин тутди⁴.

Таъкидлаш жоизки, муомала маданияти, мулоқот одоби Шарқда, хусусан, ўзбек халқида комил инсонга хос асосий фазилатлар сифатида баҳоланади. Шу сабабли Марказий Осиё мутафаккирлари, жумладан, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Алишер Навоий, Кайковус асарларида, Хусайн Воиз Кошифий қарашларида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Нутқ маданияти масалалари ўзбек тилшунослиги соҳасининг асосий ўрганиш объекти, долзарб мавзуси бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Ушбу серқирра масала, айниқса, ўзбек

² Симиони П.К. Старинные сборники русских пословиц, поговорок, загадок и пр. XVI–XVIII ст. СПб. 1899; Далл В.И. Пословицы русского народа. – Москва: Вь университетской типографьи, 1862. То же СПб. 1879; Иллюстров И.И. Жизнь русского народа в его пословицах и поговорках. Изд. 3. – Москва: т-во скоропечатни А.А. Левенсон, 1915; Потебня А.А. Из лекций по истории словесности. Басня, пословица, поговорка. – Харьков, 1894; Порхомовский М.В. Язык турецких пословиц (грамматический и лексический аспекты): Автореф. дисс. канд. ... филол. наук. – Москва, 2009; Порхомовский М.В. Турецкие пословицы в языке и речи / М.В. Порхомовский. – Москва: Языки славянской культуры, 2014; Юсифов Г.Н. Лексико-стилистические особенности азербайджанских пословиц: Автореф. дисс. канд. ... филол. наук. – Баку, 1969; Аннануров А. Синтаксические особенности туркменских пословиц и поговорок: Автореф. дисс. канд. ... филол. наук. – Ашхабад, 1960; Сарсенбаев Р. Лексико-синтаксические особенности казахских пословиц и поговорок: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Алма-Ата, 1961; Ниятуллаев Г. Каракалпакские народные пословицы и поговорки: Автореф. дисс. канд. ... филол. наук. – Ташкент, 1971.

³ Скворцов Л.И. Основы культуры речи. Хрестоматия. – Москва: Высшая школа, 1984; Головин Б.Н. Основы культуры речи. – Москва: Высшая школа, 1988; Петушков В.П. Культура слова и писатели. Вопросы культуры речи. – И., 1967; Бахмутова Е.А. Культура речи. – Казан: Изд-во Казан, ун-та, 1964; Ожегов С.И. Очеридные вопросы культуры речи. – Москва: Высшая школа, 1984.

⁴ Верещагин Е.М., Костомаров В.Г. Язык и культура. – Москва: Русский язык, 1976, 1983.

тилшуносларидан Э.Бегматов, Р.Қўнғуров, Ё.Тожиев, С.Каримов, Н.Маҳмудов, С.Иброҳимов, У.Саидов ва бошқа бир қанча тилшуносларнинг изланишларида, рисоалар, номзодлик ва докторлик диссертацияларида чуқур тадқиқ қилиниб, қимматли фикрлар баён қилинган⁵. Уларнинг ва улар сингари фанимиз заҳматкашларининг сайъ-ҳаракатлари билан ўзбек халқ мақолларининг мукамал тўплами яратилиб, бир неча марта нашр қилинган ва шулар асосида бу паремаларнинг семантик, синтактик, жанр хусусиятлари, уларнинг бошқа халқ оғзаки ижоди намуналари билан қиёси юзасидан Ш.Шомақсудов, Ш.Шораҳмедов, С.Долимов, Х.Абдурахмонов, М.Ҳақимов, Ҳ.Бердиёров, Р.Расулов, Х.Шарафиддинов, О.Мадаев, Б.Соатов, Б.Жўраева, М.Темирова, Ш.Қаландаров, Д.Тошева, И.Мирзаалиев, Р.Маджидова кабилар филологик тадқиқотлар олиб борган⁶.

⁵Иброҳимов С. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида. – Тошкент: Фан, 1972; Бегматов Э. Нотиклик маҳорати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979; Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Фан, 1981; Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983; Ўринбоев Б. Нотиклик маҳорати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984; Маҳмудов Н. Тил. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984; Қўнғуров Р., Каримов С., Курбонов Т. Нутқ маданияти асослари. 1-2-китоблар. – Самарқанд, 1985, 1986; Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М., Умуркулов Б. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. – Тошкент: Фан, 1988; Бегматов Э. Нотикликнинг нодир бойлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 1980; Бегматов Э., Турсунпўлатов М. Ўзбек нутқ маданияти асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991; Бегматов Э., Қўнғуров Р., Тожиев Ё. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992; Миртожиев М., Маҳмудов Н. Тил ва маданият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992; Тожиев Ё., Ҳасанова Н., Тожиматов Х. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. – Тошкент, 1994; Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. 3-қисм. –Тошкент: Наврўз, 1997, 1998, 2000; Мўмин С. Сўзлашиш санъати. – Фарғона, 1997; Каримов С., Маматов Х., Бўриев И. Юристининг нутқ маданияти. – Тошкент: Зарқалам, 2004; Каримов С.А. Абдулла Қаҳҳор тил, нутқ ва услуб ҳақида. – Самарқанд: СамДУ, 2007; Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009; Саидов У. Бошқарув ва нотиклик санъати. – Тошкент: Академия, 2010; Тожиев Ё. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари. – Тошкент, 2010; Тожиев Ё., Бобоходжаев Р. Нутқ маданияти ва услубият асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТошТЙМИ, 2016.

⁶Шомақсудов Ш., Долимов С. Кенг уйнинг келинчаги. – Тошкент: “Тошкент” бадиий адабиёт нашриёти, 1964; Абдурахимов М. Ўзбекча-русча афоризмлар луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976; Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984; Ўзбек халқ мақоллари. Академик нашр. 2 томлик. I том. – Тошкент: Фан, 1987; Ўзбек халқ мақоллари. Академик нашр. 2 томлик. II том. – Тошкент: Фан, 1988; Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Нега шундай деймиз: Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987; Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзб. Совет. Энциклопедияси, 1990; Йўлдошев И., Ўзгурк Т., Ўзгурк Й. Ўзбек ва турк мақоллари ва иборалари. – Тошкент, 1998; Karimatova K.M., Karimov H.S. Proverbs – Maqollar – Posloviцы. – Тошкент: Mehnat, 2000; Ўзбек халқ мақоллари. – Тошкент: Шарк, 2005; Жўраева Б. Ўзбек халқ мақолларининг қисқача синонимик луғати. – Тошкент: Фан, 2006; Рисолалар: Абдурахмонов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар. – Тошкент: Фан, 1971; Мадаев О. Мақоллар оламида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1984; Абдусаидов А. Газета тилида мақоллардан фойдаланиш (библиографик кўрсаткич). – Самарқанд: СамДУ, 1986; Соатов Б. Ўзбек халқ мақолларининг жанр хусусияти ва поэтикаси. – Тошкент, 1994; Темирова М. Ўзбек ва қирғиз фольклорида мақоллар муштараклиги. – Тошкент, 2016; Абдурахмонов Х. Синтаксические особенности узбекских народных пословиц: Автореф. дисс. канд. ... филол. наук. – Ташкент, 1964; Ҳақимов М. Пословицы, поговорки и афоризмы в произведениях узбекских писателей: Автореф. дисс. канд. ... филол. наук. – Ташкент, 1965; Шарафиддинов Х. Рифмы и ее функционально-стилистические особенности в структуре узбекских народных пословиц: Автореф. дисс. канд. ... филол. наук. – Ташкент, 1986; Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий услубий қўлланилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002; Жўраева Б. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари ва прагматик хусусиятлари: Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2019; Абдурахмонов Х. Мақоллардаги боғловчисиз қўшма гаплар структурасининг баъзи хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1962; Ҳақимов М. Мақол терминлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1965; Шораҳмедов Ш. Мақолларнинг пайдо бўлишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1971; Абдурахмонов Х. Мақол ва маталларда такрор компонентларнинг қўлланилиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1973; Жўраёнов А. Муқимийнинг халқ

Қайд қилинган манбаларда мақолларнинг нутқ тузишдаги роли, таъсирли жумла яратишдаги аҳамияти масалалари таҳлил қилинган бўлса-да, ҳозирга қадар нутқ маданияти (мулоқот одоби)га доир халқ мақоллари алоҳида ва изчил ўрганилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 21 “Ўзбек адабий тили ва жонли халқ тили муносабати муаммолари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нутқ маданияти, мулоқот одоби, муомала маданиятига доир масалаларнинг халқ мақолларидаги талқини, мазмун ифодалари ва ўзаро таъсирини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек халқ мақоллари юзасидан амалга оширилган филологик аспектдаги тадқиқотлар, шунингдек, мақол, матал, афоризм, нақл паремик ходисаларнинг ўзаро муносабати масалаларини очиб бериш;

мақолларнинг прагматик хусусиятлари, нутқий акт воқеланишида тутган ўрни масаласи, мақолларда пресуппозиция ва тагмаънонинг умумий ва фарқли хусусиятларини, ифодаланиш омил ва усулларини аниқлаш;

нутқ маданиятига алоқадор мақолларни саралаш, гуруҳлаш, ҳар бир гуруҳда нутқ маданияти масалаларининг акс этиш даражасини аниқлаш ва мақоллар орқали нутқий коммуникатив сифатларнинг таъминланиш ҳолатларини мисоллар асосида далиллаш;

нутқий маданият, мулоқот одоби, муомала маданияти каби инсон комиллигини белгиловчи нутқий фаолиятга алоқадор асосий тушунчаларнинг мақолларда ифодаланиш тарзи ва ўзаро таъсирини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек халқ мақоллари жамланган “Кенг уйнинг келинчаги”, “Ўзбек тилининг паремиологик луғати”, “Ўзбек халқ мақоллари” (II томлик), “Нега шундай деймиз: Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати”, “Ҳикматнома”, “Ўзбек халқ мақоллари” каби тўпламлардаги нутқ маданияти масалаларига алоқадор халқ мақоллари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини халқ мақолларида нутқ маданияти, муомала одоби, мулоқот одоби (маданияти) масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёслаш, тавсифлаш, таснифлаш, матний таҳлил, статистик таҳлил, далиллаш усулларидан фойдаланилди.

мақолларидан фойдаланиш маҳорати // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1974; Соатов Б. Мақолнинг жанр табиатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1986; Соатов Б. Мақолларнинг матал ва топшмоқларга муносабати // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1987; Жўраева Б. Мақолларда синонимия ходисаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2000; Темирова М. Урф-одат билан боғлиқ мақоллар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2009; Абдуваҳобова М. Гендернинг паремиологик вербаллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2013; Мирзаалиев И.М. Қадимги туркий мақоллар семантикаси ва стилистикаси (“Девону луғати-т-турк” материали мисолида): Филол. фан. фалс. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020; Қаландаров Ш.Ш. Ўзбек лингвомаданий муҳитида халқ мақоллари эвфемизацияси: Фил. фан. фалс. док. ... дисс. автореф. – Фарғона, 2019; Тошева Д.А. Зооним компонентли мақолларнинг лингвокультурологик хусусиятлари: Филол. фан. фалс. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017; Маджидова Р.У. Антропоцентриқ мақолларнинг аксиологик тадқиқи (ўзбек ва рус тиллари материаллари асосида): Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Фарғона, 2020.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нутқий актнинг самарали шаклланишида мақолларнинг ўрни ва имкониятларининг лингвистик ва прагматик омиллар билан боғлиқлиги нутқий актни локутив, иллокутив ва перлокутив аспектларида мазмун ва референцияни ифодаловчи воситаларни аниқлаш орқали исботланган;

мақолларнинг ёндош ҳодисаларга муносабати масаласи шаклий, мазмуний омиллар асосида ҳал қилиниши, мақол ва матал фарқланишига доир талқинлар тўла исботини топмаганлиги, мақол ва афоризм муносабатида фарқланиш умумийлик ва хусусийликка кўра эканлиги исботланган;

паремаларнинг умумий концепцияси халқнинг миллий-маданий кадриятларини ёритиш билан бирга ижтимоий ҳодисалар жараёнида юзага келадиган лингвомаданий воситаларни ифодаловчи ва жамиятнинг ўзига хос миллий коммуникатив жараёни учун хизмат қилувчи когнитив тузилма сифатида намоён бўлиши исботланган;

мақолларни коммуникатив жараёнда мушоҳада қилиш, тинглаш, сукут сақлаш, тўғри сўзлаш каби нутқнинг маданий кўрсаткичини белгиловчи мавзуий гуруҳларга ажратиш нутқий алоқанинг самарадорлигини таъминлашда комил инсон ва баркамол шахсни шакллантиришга қаратилган конструктив механизм эканлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тилшуносликда умумяширин мазмун, тағмаъно ва пресуппозициянинг фарқли ва ўхшаш жиҳатлари мақоллар мисолида очиқ берилган;

мақоллар турли модал маънолар ифодалаш имкониятига эга бўлганлиги учун нутқий актларни шакллантиришда бирламчи восита бўла олиши исботланган;

мақолларни мавзу жиҳатдан таснифлашда нутқ маданиятини ифодалашига кўра тинглаш, сукут сақлаш, мушоҳадакорлик, оз сўзлаш, эзмалик қилмаслик, ширинсўзлик каби алоҳида мавзуий гуруҳларга бириктириш мумкинлиги далилланган;

нутқ маданиятини ифодаловчи халқ мақоллари комил инсонни шакллантириш, халқимизнинг нутқий маданияти, муомала, мулоқот одобини юқори даражага кўтаришга ва уларда намунали нутқ (ёзма ва оғзаки) туза олиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги нутқ маданиятини ифодаловчи халқ мақолларининг ўзбек тилида нашр этилган энг ишончли манбалардан олинганлиги, назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, методик жиҳатдан мукамаллиги, олдида қўйилган муаммонинг аниқ ва етарлича асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, жаҳон тилшунослигининг янги йўналишлари ва таҳлилий усуллари асосида тадқиқ қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нутқ маданиятини ифодаловчи халқ мақолларининг мулоқот маданияти тизимидаги ўрни, тил ва шахс

маънавияти яхлитлигининг намоён бўлиши, нутқий акт назарияси, пресуппозиция масаласига оид қарашларни бойитишда ҳамда тил ва маданият алоқасини ўрганувчи ёндош соҳалар учун маълум муаммоларни ҳал қилишда назарий асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишнинг илмий хулосаларидан олий таълим муассасаларининг бакалавр ва магистратура таълим йўналишларида “Услубшунослик”, “Лингвокультурология”, “Этнолингвистика”, “Прагмалингвистика” фанларидан дарслик ва қўлланмалар яратишда, магистрлик ҳамда докторлик диссертацияларини ёзишда, нутқ маданиятига оид фан ва махсус курсларни ўқитишда муҳим манба бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нутқ маданиятини ифодаловчи ўзбек халқ мақолларининг лингво-функционал ва хулқий қийматини ўрганиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

нутқ жараёнида мақолларнинг иштирок этиши сўзловчининг лисоний ва нутқий малакаси, ахборот узатиш мақсади ҳамда мулоқот шароити, тил бирликларининг шахсий муносабат маъносини ифодалаш имконияти каби лисоний ва нутқ вазияти омилларга боғлиқлигига доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан олиб борилган ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг сўз ясалишининг функционал жиҳатлари қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 03 июлдаги 108/1-сон маълумотномаси). Натижада мақолларнинг семантик, структур, прагматик жиҳатлари борасидаги фикрларнинг мисоллар билан далилланиш даражаси ортган;

мақолларнинг бошқа ёндош ҳодисалардан шаклий ва мазмуний асосида фарқланиши, хусусан, мақол ва матал фарқланиши тилшуносликда ҳали тўла исботланмаганлиги, мақол ва афоризмлар фарқи эса яратувчиси яқка шахс ёки жамоа эканлиги ҳақидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими томонидан олиб борилган ФА-А1-Г007 “Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида” мавзусидаги амалий лойиҳанинг мақолнинг ёндош ҳодисалар билан фарқли ва ўхшаш жиҳатларини кўрсатиш қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2020 йил 03 июлдаги 108/1-сон маълумотномаси). Натижада мақолларнинг нақл, афоризм ва маталлар билан муносабати масаласи илмий далиллар билан бойишига эришилган;

тил ва шахс маънавияти яхлитлигини намоён этувчи қисқа гапириш, тинглаш, сукут сақлаш, ширинсўзлик, мушоҳадакорлик, рост сўзлаш каби масалалар акс этган нутқ маданиятини ифодаловчи халқ мақоллари кишини етук шахс сифатида тарбияловчи муҳим омиллардан бири саналиб, инсон маънавий камолотида самарали восита эканлиги натижасида чиқарилган хулосалардан Сирдарё вилоят телерадиокомпанияси “Биз сув ичган дарёлар” кўрсатувининг 2020 йил 20 февраль ва 12 март сонлари сценарийсини

тайёрлашда фойдаланилган (Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 9 июлдаги 531-, 532-сон маълумотномалари). Натижада тил ва шахс маънавияти, мулоқот маданияти, муомала одоби каби комил инсонни шакллантириш билан боғлиқ бир қатор жиҳатлар таҳлиллар асосида ёритилганлиги телетомошабинларнинг мақоллар ҳақидаги тушунчаларини янада бойитган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни юзасидан 1 та монография, 14 та илмий мақола, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, хорижий журналларда 2 та илмий мақола нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 149 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, илмий тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, объекти ва предмети, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, жорий қилиниши, апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Халқ мақоллари тадқиқининг методологик аспекти”** деб номланиб, унда халқ мақолларининг шу халқ маданияти, урф-одатлари, кундалик турмуш-тарзини ўзида ифодаловчи восита эканлиги, бу паремаларнинг ўрганилиши, уларнинг ёндош ходисаларга муносабати тадқиқ қилинган.

Тилнинг миллий хусусиятини таъминловчи муҳим омил ва воситалардан бири мақоллардир. Халқ мақоллари лингвомаданий ҳодиса сифатида халқ тили, тафаккури ва маданиятининг муҳим таркибий қисми, уларнинг ифодаловчиси ҳисобланади.

Ҳаёт ва кундалик фаолиятни, нутқий мулоқотларни тилдан айро ҳолда, хусусан, мақолларсиз тасаввур этиш қийин. Мақоллар кишилар ўртасидаги турли муносабатлар тўғрисидаги фикрларнинг қаймоғи ҳисобланади. *“Йўлни қарвондан сўра, сўзни шоирдан сўра”*; *“Йўл қувган хазинага йўлиқар, сўз қувган балога йўлиқар”*; *“Билган киши билдим демас, билдим деса – билган эмас”* каби мақоллар мазмуни орқали ҳам бунга амин бўлиш мумкин. Бундай

мақолларда халқнинг миллий қадрияти, маданияти, нутқий муносабат одоби масаласи талқини ўз аксини топади.

Тилшунос С.Мўминов мақолларнинг мулоқот хулқидаги аҳамияти ва инсон психикасига таъсирини изоҳлаганда: “*Меҳмонни сийласанг, итига суяк ташла*”; “*Меҳмоннинг итини тур дема*”; “*Меҳмоннинг олдида мушугингни пишит дема*” каби турмуш тажрибаси асосида вужудга келган қатор ўзбек халқ мақолларидан намуналар келтиради ва кишиларнинг ўзига бўлган муносабатни унинг нарсасига бўлган муносабат орқали ҳам ифодалаш мумкин”лигини⁷, шу билан бирга, халқнинг миллий қадрияти, маданиятининг бир кўриниши – меҳмон кутиш одобини кўрсатиб беради. Мақоллардаги бундай масалалар Ш.Қаландаров⁸, Р.Маджидова⁹ларнинг монографик тадқиқотида ҳам атрофлича ёритиб берилган.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” асарида халқ оғзаки ижоди намуналари бўлган мақол ва маталларнинг алоҳида қайд қилиниши халқимизнинг ҳикматли сўзлари, мақолларини тўплаш ва ўрганишга қизиқиш узок тарихга эгалигидан далолат беради¹⁰. Ўзбек нутқи маданияти бўйича илмий изланишлар олиб борган Р.Қўнғуровнинг таъкидлашича, Маҳмуд Кошғарий тўплаган мақоллар, асосан, инсон одоб-ахлоқи билан боғлиқ. “Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғоти-т-турк” асарида “*Эрдам боши тил*”, яъни “*Одобнинг боши тил*” дейилган мақол келтирилган. Ушбу мақол ўтмиш даврларда туркий халқлар нутқ маданияти борасида амал қилган етакчи омил – инсон одобининг (ахлоқининг) бошланиши тилда (нутқда) кўринади, дейилган доно мазмунни ажойиб тарзда ифодалаган”¹¹. “Девон”да келтирилган мақолларнинг семантик-стилистик, жанр ва поэтик жиҳатлари И.Мирзаалиевнинг изланишларида тўлиқ ўз ифодасини топган¹².

Ўзбек халқ мақолларига муайян бир тартиб бериб, мажмуа ва хрестоматияларга киритиш, улардан махсус тўпламлар тузиш ишлари, асосан, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланганлиги таъкидланади¹³. Шундан сўнг М.Абдурахимов, Х.Абдурахмонов, М.Содиқова, Ҳ.Кароматов, К.Кароматова, Ҳ.Бердиёров, Р.Расулов каби олимларнинг тилшунослик ва таржимашунослик йўналишидаги тўпламлари юзага келди.

Кейинги вақтларда ўзбек тилшунослигида халқ мақоллари бўйича олиб борилган изланишларда, асосан, тил ва услуб масалаларига эътибор қаратила бошланди.

⁷Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. док. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2000. – Б.17.

⁸Қаландаров Ш.Ш. Ўзбек лингвомаданий муҳитида халқ мақоллари эвфемизацияси: Филол. фан. фалс. док. ... дисс. автореф. –Фарғона, 2019.

⁹Маджидова Р.У. Антропоцентриқ мақолларнинг аксиологик тадқиқи (ўзбек ва рус тиллари материаллари асосида): Филол. фан. док. ... дисс. автореф. –Фарғона, 2020. –Б. 5.

¹⁰Абдурахмонов Ғ. “Девону луғотит турк”асарининг ўрганилиш тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. 2009. 6-сон. – Б. 49.

¹¹Қўнғуров Р., Бегматов Э.,Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари. –Тошкент:Ўқитувчи, 1992. –Б. 22.

¹² Мирзаалиев И.М. Қадимги туркий мақоллар семантикаси ва стилистикаси (“Девону луғати-т-турк” материали мисолида): Филол. фан. фалс. док. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2020

¹³ Мирзаев Т., в.б. Ўзбек халқ мақоллари. –Тошкент: Шарқ, 2005. –Б. 2.

Умуман олганда, рус тилшунослигида, туркийшуносликда, хусусан, ўзбек тилшунослигида мақолларнинг имкониятлари, бошқа жанрлар билан муносабати, синтактик, стилистик хусусияти, структур-семантик, когнитив, линвомаданий, лингвопрагматик каби жиҳатларига эътибор қаратилган бўлса-да, мақолларнинг барча имкониятлари тўла тадқиқини топмаган. Айниқса, уларнинг ёндош ҳодисаларга муносабати масаласи шулар жумласидандир.

Маълумки, филология соҳасида мақол ва унга ёндош бўлган, чуқур маъноли ҳикматли сўз (афоризм), ибора, мақол, матал кабилар парема деб юритилади. Афоризм “ихчам шаклли, чуқур мазмунли, муаллифи аниқ гап; ҳикматли сўзлар”¹⁴ сифатида тавсифланади. Шунга кўра, афоризм муаллифи аниқ шахс, мақол ижодкори жамоа, халқ тарзида белгиланса, икки ёндош ҳодиса ўртасидаги фарқлилик яқка шахс ва жамоа зидланиши асосида юзага чиқади.

“Нақл (араб.) – а) халқ томонидан тўқилган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган оғзаки ҳикоя, ривоят, қисса; б) ҳикоя қилиш, баён қилиш; в) мақол маъносида. Масалан, *Яхшилик қил, дарёга ташила; балиқ билур, балиқ билмаса, холиқ билур...*”¹⁵. Кўринадикки, мақол ва нақл сўзлари ўзаро алмашилиб қўлланиш ҳолатлари ҳам мавжуд.

Манбаларда афоризм, ҳикматли сўз, мақол, матал, нақл, масал каби ҳодисалар моҳиятини очишга, терминларни изоҳлашга эътибор берилган бўлса-да, мақол ва маталнинг аниқ чегаравий фарқи ўзбек тилшунослигида ҳам очиқ берилмаган дейиш мумкин.

О.С.Ахманова маталнинг мақолдан фарқи сифатида унинг синтактик жиҳатдан тугалланмаганлигини, Х.Абдурахмонов эса мақолнинг фразема, афоризм ва маталдан фарқли жиҳати мазмунан кенг-торлиги, синтактик қурилиши, компонентлар миқдорида эканлигини таъкидлайди¹⁶.

Н.Хотамов, Б.Саримсоқовлар бу хусусда шундай фикр келтиради: “... мақоллар нутқда яхлит ҳукм тарзида қўлланилса, маталлар ҳукмнинг қисми функциясини бажаради; мақолларнинг тематик доираси кенг бўлса, маталлар конкрет темага ва қатъий функционал қўлланишга эга; мақоллар конкрет шаклий тузилишга эга бўлса, маталларда шаклий қатъийлик мавжуд эмас; мақоллар баъзан кўчма маънода, баъзан ўз маъносида қўлланилса, маталлар ҳамиша кўчма маъно ташийд”¹⁷. С.Бекчановнинг ишида ҳам мақол шунга яқин тарзида шарҳланади¹⁸.

Тадқиқотчи Б.Жўраева “маталларнинг мақоллардан асосий фарқи мақолларнинг идиомалашган кўчма маънога эга эканлиги ва маталларнинг бу

¹⁴Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. I жилд. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б. 119.

¹⁵Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-том. –Б. 120.

¹⁶Абдурахмонов Х. Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг синтактик хусусиятлари бўйича кузатишлар. – Тошкент: Фан, 1971. –Б. 11.

¹⁷Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – Б. 336.

¹⁸Бекчанова С.Б. Ўзбек ва қорақалпоқ фольклорида нақл жанри (генезиси, типологияси ва поэтикаси): Филол. фан. фалс. док. ... дисс. автореф. –Тошкент, 2019. – Б. 13.

хусусиятга эга бўлмай, асосан, тўғри маънода қўлланилишида”¹⁹ деб кўрсатади. Бизнингча, бу тўғри ҳукм эмас, чунки бунда улар кутилган маънони ифодалай олмайди.

Юқоридагиларга кўра, мақол ҳам, матал ҳам ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилади; ҳар икки жанр ҳам панд-насиҳат мазмунига эга бўлади; халқ мақоллари ва маталларининг асосий ғояси ҳам тарбиявий характер касб этиб, дидактик вазифа бажаришга хосланган бўлади. Уларнинг тугал маъно ифодалаш ёки ифодаламаслик нуқтаи назаридан фарқлаш масаласи мунозарали. Чунки тугалланмаган маъно ифодалайдиган жанр жанр ҳисобланмайди. Демак, мақол ва маталларнинг фарқли хусусиятини улардаги маъно-мазмуннинг тугал ёки нотугаллигидан излаш ўзини оқламайди.

Мақолларнинг ўз ёки кўчма маъно ифодалаш масаласига ҳам эътибор қаратиш лозим. Фақат маталлар эмас, мақоллар ҳам тўлиқ кўчма маънода келади, деган фикрлар ўртага ташланган (В.Далл, Б.Жўраева). Б.Жўраева ўз тадқиқотида, М.А.Темирова қарашларига зид ўларок, мақолнинг ўз ва кўчма маъно ифодалашини инкор этиб, фақат кўчма маънода қўлланилишини “*Билак билан битмаган, билим билан битар*” каби мақол орқали асослашга ҳаракат қилади. Тадқиқотчининг бу фикрига ҳам тўлиқ қўшилиб бўлмайди.

Матал ва мақолнинг ўз маъно ёки фақат кўчма маъно ифодалаш хусусиятлари ҳам баҳсталаб.

Мақол ва маталнинг ўзаро умумий ва фарқли жиҳатлари муайян тамойиллар: грамматик тамойил, семантик тамойил, услублараро қўлланилиш тамойили, қофияланиш-қофияланмаслик, зидланиш-зидланмаслик тамойиллари асосида ҳал қилинмаган. Шунинг учун мавжуд ёндашувларда маталларни мақоллардан фарқловчи аниқ бир асос кузатилмайди. Шу кунга қадар маталлар луғати нашр этилмаган. Матал ва мақол ҳодисаларини фарқлаш, бу адабий жанрни иккига ажратишга зарурат йўқдир.

Диссертациянинг “**Халқ мақолларининг мулоқот маданияти тизимидаги ўрни ва пресуппозитив қиймати**” деб номланган иккинчи бобида мақолларнинг мулоқот акти тизимидаги ўрни, мақолларда умумяширин маънонинг намоён бўлиш омиллари, восита ва усуллари ҳамда пресуппозиция ва тагмаъно, уларнинг ўзаро муносабати масалалари талқини хусусида сўз юритилади.

Прагмалингвистикага доир адабиётларда қайд этилишича, нутқий алоқанинг энг кичик бирлиги нутқий акт ҳисобланади²⁰. “Демак, нутқий акт – маълум бир гапнинг аниқ мулоқот муҳитида талаффуз этилишидир. Нутқий акт мазмунининг шаклланиши талаффуз қилинаётган гап маъносининг сўзловчи ва тингловчи томонидан мулоқот матнига нисбатан “бойитилиши”, идрок этилиши натижасидир”²¹.

¹⁹Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. –Самарканд, 2002. –Б. 9-10.

²⁰Федосюк М.Ю. Нерешенные вопросы теории речевых жанров // Вопр. языкознания. – 1997. –№ 5 . –С. 105.

²¹Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Тошкент: ЎзМЭ нашриёти, 2008. –Б. 78.

Шундай экан, мақоллар ҳам нутқий актда бошқа лисоний бирликлар сингари ўзида ҳам лисоний, ҳам нутқий хусусиятларини намоён қилувчи бирикма сифатида иштирок этади. Хусусан, тасдиқлаш (“*Дўстинг ҳам тил, душманинг ҳам тил*”; “*Сўзинг бойлиги, одамнинг чиройлиги*”), буюриш (“*Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт*”; “*Нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма*”), огоҳлантириш (“*Мушугингни “пишт” дема, меҳмонингга тегар*”) каби мазмун мақолларга ҳам тааллуқли бўлиб, шундай мазмунли нутқий актларни шакллантиришга хизмат қилади. Масалан,

– *Токайгача одамлар қобоқ-тумшугига қараб кун кўради? Ё шундай ўтиб кета берадимиз? Умри охиригача-я? Оғзига етган бор, етмаган бор. Бир кун эмас-бир кун, биров билан гапи чап тушади. Юзига айтади... Шунда нима деган одам бўлади? Кўза кунда синмайди, кунда синади! Мана, неча йилким, мунгайиб кун кўради. Эл-юрт билан мулоқот қилса, гап кетишига қараб туради. Биров бир бемаъни гап гапирса: – Сизники маъқул, – дея бош ирғайди. Борди-ю, шу гапни бошқа биров инкор этса: – Сизники-да маъқул, – дейди. Инкор этмайди, эътироз-да билдирмайди. Ҳаёт кетиши, кун ўтишини пойлайди.* (Тоғай Мурод. “Ойдинда юрган одамлар”, 21-бет).

Матнда келтирилган мақол танбеҳ нутқий актини шакллантиришга хизмат қилган.

Мақолларнинг шундай турлари ҳам борки, улар нутқдан ташқари ҳолатда ҳам муайян мазмунли нутқ актини шакллантиришга хизмат қилиши олдиндан маълум бўлиб туради. Масалан, “*Итдан бўлган қурбонликка ярамас*” мақоли матндан ташқари ҳолатда ҳам ҳақорат мазмунини яққол ифодалаб турса, “*Отга тақа қоққанда, қурбақа оёғини кўтарар*”; “*Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши*” каби мақолларнинг биринчисида киноя мазмуни, иккинчисида эса маслаҳат мазмуни ифодаланган.

Мақолларда, умуман, тилшуносликда умумяширин маъно пресуппозиция ва тағмаъно ўзаро фарқланади. Хусусан, мулоқот жараёнида фикр мавзуси ва мазмуни яширин тарзда ифодаланиши мумкин. Бундай яширин мазмун мулоқот жараёнида иштирок этмаган, шу тилдан фойдаланувчи бошқа шахслар учун ҳам тушунарли бўлади. Бу яширин мазмун тушунчаси тилшуносликда умумяширин маъно термини билан ифодаланиб келинмоқда. Мақоллар худди шу умумяширин маънони ифодалашга хосланган махсус восита, бирикма ҳисобланади: “*Сўз суякдан ўтар, таёқ этдан*”; “*Тиз яраси тузалар, тил яраси тузалмас*”. Мазкур мақоллар замирига жойлашган умумяширин кўчма маъно ушбу мақоллар мансуб тил эгаларининг барчасига маълум, тушунарли бўлади. Шу сабабли, мақоллар талаффуз қилинганда ёки ўқилганда унинг вербал томони эътибордан четда қолиб, мақолнинг мазмун плани биринчи ўринга чиқади. Мақол инсонларнинг лисоний онгида ўзининг тушунчаси билан бирга муҳрланганлиги учун унинг шакли, одатда, эътибор талаб қилмайди, аммо вербал ҳолат нутқ элементининг муайян шакл орқали ифодаланишини кўзда тутаяди. Демак, мақол вербал ҳолатда муайян шаклда намоён бўлса-да, у ифодалаётган мазмуний фикр яширин ҳолатда туради: “*Қуруқ қошиқ оғиз йиртар*” – “*фақат гапирши билан ши битмайди*”; “*Санамай саккиз дема*” –

“ўйламасдан гапирма”; “Йиқилган курашга тўймас” – “уддасидан чиқмасанг, бекорга уринма”; “Камбагални туянинг устида ҳам ит қопар” – “омадсизлик, иши юришмаслик” каби вербал ифодалардаги яширин маънолар кузатилади. Мазкур мақоллар замиридаги яширин маънолар шу тилдан фойдаланувчиларнинг барчаси учун тушунарли бўлганлиги сабабли бундай мазмун умумяширин маъно деб юритилади.

Шу билан бирга, матнда бирор фикр ёки мақсаднинг тил бирликлари воситасида тўғри ва очиқ айтилмасдан, тескари, кўчма маънода, қандайдир бир ишора ёрдамида тушуниладиган мазмунда ифода этилиши “тагмаъно” ёки “тагматн” термини остида ўрганилади. Тагмаъно – фикрнинг тўла ифодаланмай қолган қисми, бўлаги бўлиб, сўз ёки бирикмани кўчма маънода қўллаш орқали юзага чиқариладиган, иккинчи пландаги асосий мақсад ёки ниятдир.

– Хотинингизга яхши кўриб уйланганмисиз, – сўради Захро, томдан тараша тушгандай қилиб.

– Йўқ, онасини кўриб қизини олганман (У.Ҳамдам. “Мувозанат”, 98-бет.).

Қўлланилган матнда ифодаланган маъно нутқий вазиятдан келиб чиқадиган бўлса, яъни саволнинг “томдан тараша тушгандек” фавқулодда берилиши адресатнинг норозилиги асосида саволга мос жавобнинг киноя мазмуни орқали тагмаъно ифодаланган. Бундай мақоллар сирасига қуйидагиларни келтириш мумкин. Масалан, “Соғ олма шохидан тушмас”; “Султон суягини хўрламас”; “Тўқайга ўт кетса хўл-у, қуруқ бирдек ёнади”; “Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрсалар” кабилар.

Мақоллардаги шаклий ихчамлик, мазмуний кенгликнинг ифодаланиши, албатта, пресуппозиция билан боғлиқ ҳисобланади. Ўзбек тилшунослигида бу масаласига оид салмоқли ишлар амалга оширилган бўлса-да²², таъкидлаш лозимки, бундай яширин ҳукмларнинг мақолларда ифодаланиши масаласи тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилинмаган. Шунга кўра, пресуппозиция ва тагмаънонинг ўзбек халқ мақолларида ифодаланиши алоҳида илмий эътиборни талаб қилади. Негаки, мақоллар ўзида ифодаланган мазмундан ташқари, умуман, бошқа воқелик, хабар, ҳодисаларга ҳам ишора қилувчи прагматик воситалар вазифасини бажариб келади.

Мақолларда пресуппозиция лексик бирликларнинг синонимик, омонимик, антонимик хусусиятлари асосида белгиланиши тадқиқотчи У.Раҳимов томонидан таъкидланади²³. Агар икки мақол бир-бирига антоним

²² Нурмонов А. Кўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986; Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти. 1986; Лутфуллаева Д. Ўрнига кўмакчилик конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996; Лутфуллаева Д. Ўзбек тилидаги содда гапларда зидланувчи узвлар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001; Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: ЎЗМЭ нашриёти, 2008; Пардаев А. Ўзбек тили ёрдамчи сўз туркумларининг лисоний тизимдаги ўрни ва лингвопрагматик таҳлили. – Тошкент, 2013.

²³ Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 1994. – Б. 22.

бўлса, унинг антоними мақол пресуппозицияларидан бирини ташкил этади. Масалан, “*Тек турмаган тўқ турар*” мақоли мазмунига зидлик муносабати “*Эл оғзига боққан оч қолар*”, “*Ухлаганга улуш йўқ*” мақоллари орқали ифодаланади. Демак, пресуппозициянинг таъминланиш омилларидан бири мақоллар ўртасида антонимик муносабатнинг мавжудлигидир.

Кишилар ўзаро мулоқотга киришар экан, мулоқот жараёнининг ихчам ва самарали бўлишига ҳаракат қиладилар. Мақоллардаги шаклий қисқариш нутқ таъсирчанлиги ва мазмундорлигини таъминловчи муҳим восита ҳисобланади. Бунда эллиптик қўллаш (тушириб қолдириш), мақол таркибидаги синтактик таркибни, ташкил этувчи элементни қисқартириш орқали мақсадга эришилади, маълум бир фикр ёки унинг бир қисми – давоми ана шу қисқартириш эвазига алоҳида таъкид ва таъсирга эга бўлади. Бундай ҳолатда нутқ таъсирчанлиги янада кучайтирилади, тингловчилар ҳайратлантирилади. Натижада ҳайратлантирувчи пресуппозиция ҳолати рўй беради. Масалан, “*Гапни гапир уққанга...*”; “*Гидам сотсанг қўшинингга сот...*”; “*Тиконсиз гул бўлмас...*”; “*Гўшт суяксиз бўлмас...*”; “*Жон куйдирмасанг, жонона қайда...*”. Мақолларнинг қисқарган ушбу шаклда ишлатилиши прагматик мақсадни – нутқнинг жўялилигини таъминлаш мақсадида ҳам амалга оширилади. Шу билан бирга, қисқариш мақолнинг иккинчи пресуппозициясига, мақолнинг давомига ишора қилади. Масалан, “*Гапни гапир уққанга...*” мақоли унинг яширин ифодаланган давомига ишора қилади. Мақолнинг тўлиқ шакли эса қуйидагича: “*Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга*”. Яширин ахборот тарзда ифодаланган мақолнинг давоми унинг пресуппозициясини ташкил қилиш билан бирга мулоқотнинг жўялилигини таъминлашга хизмат қилади. Айниқса, шакли тўлалигича ифодаланмаган мақол сарлавҳа ўрнида ишлатилганда бу хусусият яққол намоён бўлади. Масалан, “*Ўзингдан чиққан балога...*” [Қодир У. 29.03.2014] мақоли “*Ўзимдан чиққан балога, қайга борай давога*” тарзида учрайди²⁴. Мақолнинг давомини қандай шакл ва мазмунда тиклаш, матн мазмунини тўғри англаш, ахборотни тўлиқ қабул қилиш ўқувчининг муайян билим, дунёқараш, тажриба ва малакага эгаллиги билан узвий боғлиқ.

Хуллас, мақолларда ифодаланган мулоқот иштирокчиларининг барчасига маълум бўлган маъно умумяширин, нутқ шароити ва вазияти билан боғлиқ ҳолда юзага чиқувчи мантиқий мазмун тағмаъно, пресуппозиция эса яширин ҳукмлар мажмуи ҳисобланади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Нутқ маданиятини ифодаловчи халқ мақолларида тил ва шахс маънавияти яхлитлигининг намоён бўлиши**” деб номланган. Мазкур бобда халқ мақолларидаги маданий нутқ семантикаси талқини, уларда “нутқ одоби” маъносининг ифодаланиш даражаси, шу билан бирга, нутқ коммуникатив сифатларининг мақолларда акс этиши масалаларига тўхталиб ўтилган.

²⁴Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. –Тошкент: Ўзб. Совет. Энциклопедияси, 1990. –Б. 465.

